



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Эътибор ва раббат

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги кенг нишонланаётган шукуҳли кунларда иқтисодийнинг турли тармоқларида самарали меҳнат қилиб мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги тизимли ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган касаба уюшма ходимлари ва фаолларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Ehtimol nishoni» билан тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.



## Ҳалол меҳнатдан эҳтиром топиб

Тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева мамлакатимизда тарихини кайфият ва халқ иродаси билан юқори савияда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, унинг натижаларини алоҳида эътироф этди. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти томонидан илгари сурилатган тамойилларнинг барчаси инсон омили ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлади.

Тадбирда, шунингдек, бугунги кунда давр талабидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари фаолияти кўламини кенгайтириб бораётгани, ижтимоий шериклик асосида аҳоли,

айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, жамоа шартнома ва келишувлари орқали ходимлар даромадларини янада ошириш, иқтидорли ёшлар, меҳнат фахрийлари, илғор тажрибага эга бўлган ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш, меҳнат жамоаларида кўтаринки кайфиятни таъминлаш масалалари устувор вазифалар қаторидан ўрин олгани қайд этилди. «Ehtimol nishoni» билан тақдирлаш жараёнида ҳам номзодлар томонидан мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар салмоғига алоҳида эътибор қаратилди.

➤(2).


## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2016 йил 13 декабр куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Муносабат

# Туризм йўналишидаги имкониятлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»даги фармони туризм билан шуғулланувчи корхоналар учун аини муддао бўлди.



Ўзбекистон бой туристик салоҳиятга эга давлат. Фармонда ушбу тармоқни тубдан ислоҳ қилиш буйича мисли қўрилмаган чора-тадбирлар назарда тутилиб, қатор мақсадли вазифа ва устувор йўналишлар белгиланган. Айниқса, туризмнинг янги салоҳиятли турлари — зиярат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик, болалар, ёшлар ва оилавий туризмни жадал ривожлантириш, туризм соҳасида халқаро ва миллий ташкилотлар, йирик хорижий брендлар ва компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, туризм хизмати кўрсатишнинг илғор жаҳон сифат стандартларини жорий этиш, республика минтақаларида туризм инфратузилмасининг замонавий объекти,

энг аввало, меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал тараққий эттириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш каби қатор устувор йўналишлар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилиб, унинг минтақаларда бўлимлари ва ваколатли вакиллари фаолият олиб бориши юртимизда туризмнинг жадаллик билан ривожланишига замин яратди.

Биз ҳам истиқболдаги ишларимизни ушбу фармонда белгиланган устувор мақсадлар асосида йўлга қўямиз. Касаба уюшма аъзоларига енгиллик бериш, туристик хизматларини янада соддалаш-

тириш ҳамда хизматлар кўламини, сифатини ошириш мақсадида фаолият дастури белгиланган. Таъкидлаш жоизки, «Kasaba saygʻushʻba корхонаси ташкил этилгандан буён 1000 дан ортиқ ташкилотдан (ўқитувчилар, тиббиёт, алоқа, банк, ишлаб чиқариш, транспорт, савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаси ходимлари ва бошқалар) 13 500 нафардан кўпроқ туристларнинг тарихий шаҳарларимиз (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби)га саёхати ташкил этилди. Жорий йилнинг 11 ойида 445 та юридик ташкилотнинг 6781 нафар ходими республикамизнинг турли ҳудудларини томоша қилди. Хусусан, март ойида Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларидаги ишчи-ҳодимлар учун махсус саё-

➤(3).

## Самимий қутловлар

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

### Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан чин дилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги кунгача Сиз Жаноби Олийлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири сифатида мамлакатнинг ички сиёсатини бошқариб келдингиз. Жаноби Олийлари, Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон янада жадал тараққийга эришди, бу ўз навбатида бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва фаровонлигига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Биринчи Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён икки томонлама алоқаларимиз дўстлик ва ўзаро қулайлик муҳитида давом этмоқда.

Ўзбекистонга ўтган йилги ташрифим давомида Сиз Жаноби Олийлари мени самимий қутиб олганингиз ва бутун ташриф давомида ҳам-

роҳлик қилганингиз мен учун улкан шараф бўлди. Япон харбийлари мангу кўнм топган масканни зиярат қилиш, Навоий номидаги театрда ташриф, хотира концертида иштирок этиш ташрифимни жуда бойитди ва шаҳсан менда унутилмас таассурот қолдирди. Шу муносабат билан Сизга яна бир бор самимий миннатдорлигимни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Сиз Жаноби Олийлари билан яқин ҳамкорликда мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатларни янада ривожлантириш тарафдориман. Бундан ташқари, биз «Марказий Осиё + Япония» мулоқоти доирасида бутун Марказий Осиё билан ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрмиз.

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром билан,

Шиндзо АБЭ,  
Япония Бош вазири

### Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан энг эзгу тилакларимни йўлашдан мамнунман.

Сизнинг ишончли галабангиз Ўзбекистон халқи раҳбарлик қобилиятингизга қатъий ишонидан далолатдир. Бу Сизнинг узоқни кўзлаган раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққийда эришган улкан ютуқларининг эътирофидир.

Покистон ва Ўзбекистонни қардошлик ва дўстлик муносабатлари боғлаб туради. Мамлакатларимиз кўп йиллар давомида кенг доирадаги масалалар буйича ўзаро алоқа-

ларнинг юксак даражасига эришган. Ишонаманки, яқин ва самимий муносабатларимиз халқларимиз ва мамлакатларимиз манфаатлари ва фаровонлигини йўлашда янада мустаҳкамланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва улкан зафарлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, ривожланиш ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Мамнун ХУСАЙН,  
Покистон Ислам Республикаси Президенти

➤(2).

Д.КАРИМОВ,  
Ўза мухбири

# БУГУННИНГ НАФАСИ

## САМИМИЙ КЎТЛОВЛАР

Ў(1).

### Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!  
Польша халқи ва шахсан ўз номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Польша Ўзбекистонда, шу жумладан, кейинги ойлarda Сизнинг раҳбарлигингизда иқтисодий ва жамиятни ислоҳ этиш борасида амалга оширилган ишларни ҳурмат билан қайд этади. Жаноб Президент, Сизга Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришдаги ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Польша ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. Шу муносабат билан 2017 йилда Польша — Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтиши ҳамда ушбу мажлис ўзаро иқтисодий муносабатларимизнинг ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият бўлишига умид қиламан.

Сизга жорий йил 9 ноябрда йўллаган мактубингиз ва олий даражадаги ташрифлар алмашиб тўғрисидаги таклифингиз учун миннатдорлик билдираман. Жаноб Президент, Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ тилаган самимий истақларимни қабул қилгайсиз.

Ҳурмат билан,  
**Анджеј ДУДА,**  
Польша Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!  
Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги галабангиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Сиз эришган муваффақият Ўзбекистон халқининг мамлакатдаги тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга қатъий қароридан далолатдир.

Арманистон — Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларга янада жадал суръат бағишлашдан Арманистон манфаатдор эканини тасдиқлайман. Ишонанманки, ўзаро алоқаларимиз салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш халқларимиз ва мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилади.

Сийёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш мақсадига Сизни, муҳтарам Шавкат Мирмонович, Арманистон Республикасига расмий ташриф буюришингизни тақдирлайман.

Ҳурматли Шавкат Мирмонович, Сизга юксак давлат лавозимидаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.  
Эҳтиром билан,  
**Сергј САРГСЈАН,**  
Арманистон Республикаси Президенти

### Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

- Афғонистон Ислам Республикаси ҳукумати Иброҳим кенгаши раиси — доктор **Абдулла Абдулла**
- Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари — **Ильяс Умаханов**
- Россия Федерацияси Давлат Думасининг Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси — **Леонид Слуцкий**
- «Российские железные дороги» ОАЖ президенти, МДХга аъзо давлатлар Тезкор йўл транспорт буйича кенгаши раиси — **Олег Белозеров**
- Европа Парламенти депутати — **Херберт Дорфманн**
- Нагоя университети президенти — **Сейчи Мацуо**
- «ЛУКОЙЛ» нефть-газ компанияси президенти — **Вагит Алекперов**
- «Боинг — фуқаролик самолётлари» компанияси президенти ва бош ижрочи директори, «Боинг» корпорацияси вице-президенти — **Рэймонд Коннер**
- Умумий қасаба уюшмалари Конфедерацияси бош котиби — **Владимир Шербаков**
- «Клаас» компанияси кузатув кенгаши раиси — **Катрина Клаас Мюлхойзер**
- «Клаас» компанияси бошқаруви аъзоси — **Ян-Хендрик Мор**
- «Мир» давлатлараро телерадиокомпанияси раиси — **Радик Батиршин**

Кўтловлар келиши давом этмоқда.

Ў(1).

Жорий йилда «Ehtiro m nishoni» билан тақдирлаш учун тавсия этилган номзодлар сони 50 нафардан ортиқни ташкил этди. Улар фаолияти махсус комиссия томонидан чуқур ўрганиб чиқилди. Мазкур жараёнда асосий эътибор тақдирлашга тавсия этилган номзоднинг ўз фаолияти давомида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси, уларга мустақиллик йилларида юртимизда эришилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, меҳнат жамоасини ўз олдига қўйилган вазибаларни самарали амалга оширишга сафарбар этиш йўналишларида олиб бораётган амалий ишлари самарасига қаратилди.

Мазкур мезонлар асосида саралаб олинган 22 нафар энг фаол ва ташаббускор турли соҳа ходимлари, ижтимоий ҳамкорлар, иш берувчилар ва фаоллар Қасаба уюшмалари Федерациясининг «Ehtiro m nishoni» билан тақдирланди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда узоқни кўзлаган ҳолда олиб борилаётган одилона сиёсат ва тизимли ишлар эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларимизнинг муҳим омилли бўлаётгани ҳамда йилдан-йилга халқимиз турмуш фаровонлигини ошириб, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасини янада такомиллаштириш имконини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, сўнгги йилларда Қасаба уюшмалари Федерацияси тизимида ижтимоий шерикликни мустаҳ-

## ҲАЛОЛ МЕҲНАТДАН ЭҲТИРОМ ТОПИБ



камлаш, бу орқали ижтимоий масалаларни ҳал этишда ижобий натижаларга эришиш, бошланғич қасаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг корхона ва ташкилотлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тугган ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг натижасида «Ehtiro m nishoni»га сазовор бўлаётганлар орасида иш бе-

рувчилар, ижтимоий шериклар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари вакилларининг салмоғи ортиб бораётгани қайд этилди.

Тадбир якунида меҳнаткашлар манфаатлари ҳимояси йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш, айниқса, жамоа шартномаларининг ижтимоий таркибини кучайтириш, қасбхона коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида қасаба уюшмалари олдига турган галдаги вазибаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Айниқса, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қасаба уюшмаларига жалб этиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш йўналишларидаги ишларни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Жамоа шартномаларида кўзда тутилган имтиёз ва кулайликлардан нодавлат сектордаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳам тўлақонли фойдаланишларини таъминлашга эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

### Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раиси.

Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар.

## СЎЗ — МУКОФОТЛАНГАНЛАРГА

### Ҳасан НОРМУРОДОВ, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилоят бўлими кенгаши раиси:

— Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерация Кенгашининг «Ehtiro m nishoni» билан тақдирланган жумла хурсандман. Айтиш жоизки, энг йирик жамоат ташкилотларидан бири бўлган қасаба уюшмаларининг фаолияти тубдан ислоҳ этилди. Инсонга наф келтириш йўналишларида тизимли ишлар амалга оширилаётди. Федерация ижтимоий шериклик асосида турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаб келмоқда. Шу билан бирга, меҳнат фахрийлари, кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳаракатлар ҳам таҳсинга лойиқ. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб ном олган 2017 йилда қасаба уюшмаларининг бу борадаги ишларига янада ривож тилаймиз.

### Нигоран ИСМОИЛОВА, «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси қасаба уюшма қўмитаси раиси:

— Мукофот мени қанчалик руҳлангирган бўлса, зиммамга шунча масъулият юклайди. Негаки, у қасаба уюшмалари тизимидаги фаолиятимга кўрсатилган эҳтиром белгисидир. Газтаъминот тизимида 27 йилдан бери ишлайман. Етти йилдан бундан кўра қасаба уюшма қўмитаси раисиман. 34 та филиалимиз, 6 минг нафардан ортиқ қасаба уюшма аъзоларимиз бор. Ишчи-ҳодимларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, уларга соғлом меҳнат шартларини яратиш, дам олиш вақтларини мазмунли ташкил этиш, аъзоларимиз ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларининг асосий мезони ҳисобланади. Ҳар йили 300-400 нафар ишчи-ҳодимнинг қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига сەҳнати ташкил этамиз. Бунда «Қасаба сайр» шўба корхонаси бизга яқин кўмакдош. 400 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимлар республикамиздаги санаторийларда соғлигини тиклаб, дам олиш уйларида оила аъзолари билан мароқли ҳордиқ чиқаришди. Корхона тасарруфидagi «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳар йили ишчи-ҳодимлар-

нинг 1200 нафарга яқин фарзандлари мазмунли дам олади. Бундан ташқари, цех қасаба уюшма қўмитаси раислари учун ўқув-семинарлар, корхона ходимларини буш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган кўрик-танловлар, спорт ва маданий-маърифий тадбирлар уюштириб, кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат махсулотлари, боқувчисини йўқотган ва ногирон болаларга компьютер кампюллари, эшитиш мосламалари, ногиронлар арава-чалари олиб берилди. Бу борадаги хайрли ишларимиз янги йилда янада кенгайди.

### Рашида САҲАПОВА, Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг маркетинг бўлими бошлиғи, қасаба уюшма қўмитаси раиси:

— Қасаба уюшмалари бугунги кунда нафақат ходимларни дам олириш ва соғломлаштириш, балки уларни иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий масалаларини ҳал этиш йўналишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Қувонарлик, иш берувчилар ҳам корхона ёки меҳнат жамоаси фаолиятига оид муҳим масалаларни ҳал этишда ижтимоий шериклик асосида қасаба уюшмалари билан ҳамжиҳатликда ва бамаънафат иш кўрмоқдалар. Бу, албатта, манфаатлар уйғунлигини таъминлаётди. Мазкур тадбирда турли соҳаларда намунали фаолият кўрсатиб келаётган, ўз меҳнати билан юрт равнақиға ҳисса қўшаётган, бу йўлда изланишдан тўхтамаётган, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида юқори натижаларга эришаётган инсонлар ва қасаба уюшма фаолларининг рағбатлантирилаётгани бизни янги-янги ташаббус ва ютуқлар сари ундайди.

### Мусурмонкул ОНОРОВ, Сурхондарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши аппарати ишлар бошқарувчиси:

— Ушбу мукофот нафақат менинг, балки бугун вилоятимиз қасаба уюшма аъзоларининг ютуғидир. Бир нарсани айтишим жоизки, қасаба уюшмаларида ишлаш учун кишида катта билим, тажриба, шижоат, ташкилотчилик қобилияти, энг муҳими, хоҳиш бўлиши керак. Шундаги-

на унинг иши кўринади, ходимлар ўртасида ҳурмат топади. Устозларимиз бизни шунга ўргатган. Таъкидлаш ўринлики, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётган ислохотларда қасаба уюшма ташкилотлари ҳам бевосита иштирокчи эканлиги ҳар биримизда фахр уйғотади. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда тизимда амалга оширилган ислохотлар халқ орасида қасаба уюшмаларининг оғурийини оширди. Уни одамларга яқинлаштирди. Бирлашма кенгашимизнинг хайрли ишлари мисолида бунга гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунинг учун Федерация Кенгаши раҳбариятига миннатдорлик изҳор этаман.

### Мунира ҚОСИМОВА, «Тошкент ИЭС» унитар корхонаси қасаба уюшма қўмитаси раиси:

— Ҳар бир инсон учун меҳнатининг самарасини кўриш жуда завқли. Айниқса, ўз касбиндан рағбат ва эътибор топиш, ишнинг унум, ишнинг кўламини кўтаринкилик, вужудингда куч-қувват пайдо бўлиб, зиммандаги бурчини теран англайсан. Бу эса янада самарали меҳнат қилишга, масъуликка ундайди. Корхонамизда амалга оширилаётган хайрли ишларда озгина бўлса-да ҳиссам борлигидан беҳад мамнунман. Айниқса, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёш кадрларни тайёрлаш, коллеж битирувчиларининг ўз касбига қизиқишини кучайтириш борасидаги ишларимиз алоҳида эътироф этилганидан мамнунимиз. 2011 йилда ЎзННТМА Кенгаши томонидан «Нодавлат нотижорат ташкилотлар ижтимоий шериклигининг энг яхши намунаси», 2012 йилда эса Тошкент вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Меҳнат муҳофазаси бўйича кўрик-танловларда 1-даражали дипломга сазовор бўлдим. 2013 йилда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида фахрий ёрлик билан тақдирландим. Ишончим комилки, «Ehtiro m nishoni» юртимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ишларимизга қанот бўлади. Негаки, инсон меҳнати яраша рағбат кўрса, ишидаги унум янада ортади.

«Ishonch» мухбири Салим АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

# Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВNING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНINING 24 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ ҚАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ, ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА.



**Рустам ВАЛИЕВ,** АСМ ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

— Мамлакатимизнинг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси халқимизнинг қизин эътирофига сазовор бўлди. Давлатимиз раҳбари истиклол йилларида эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда галдаги вазибаларга диққат-эътиборни қаратади.

Мустақиллик йиллари босиб ўтилган чорак асрлик тарихий йўлнинг мазмун-моҳияти асрларга татигуликдир. Фуқароларимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўз мевасини берди. Қай бир жабҳада бўлмасин улкан ўзгаришларга қўнғиз тушди.

Мамлакатимиз раҳбари туризмин ривожлантириш борасида ҳам ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди. Сир эмас, дони дунёни тугган Самарқандда бундан чорак аср аввал отини тўрттагина меҳмонхона мавжуд эди. Мустақиллик йилларида жаҳоннинг номанан деган меҳмонхоналаридан қолишмайдиган 90 дан ортиқ меҳмонхона бунёд этилди.

Бундан ташқари, эллика яқин туристик компания ва фирмалар дунёнинг қатор давлатларидаги сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Туризм йўналишини рағбатлантириш, ривожлантириш биз меҳнат қилаётган жамоат ташкилоти — қасаба уюшмаларида ҳам йилдан-йилга тараққиёт толмоқда. Ҳар йили биргина бизнинг вилоятимизда истикомат қилаётган қарийб 15 минг нафарга яқин ишчи-ҳодим ва уларнинг оила аъзолари ички туризм йўналишида саяҳат қилиш имконига эга бўлмоқда. Қасаба уюшмалари маблаг ҳисобидан Самарқанд шаҳрида барча замонавий талабларга жавоб бера оладиган «Надир Самарқанд» меҳмонхонаси қурилди. Эндилқда қасаба уюшмаларининг бу соҳадаги ишлари ҳам янги босқичга кўтарилади.



**Марямхон ГИБСОВА,** Марғилон шаҳридаги «Самия сердавалат» хусусий корхонаси раҳбари

— Юртимизда оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, хотин-қизларнинг борча йўналишидаги салоҳиятини рўёбга чиқариш, ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётди.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сайланган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг келаётган йилда тадбиркорлик соҳасида янги ислохотлар амалга оширилишини алоҳида таъкидлагани бизни ниҳоятда қувонтирди.

2008 йилдан бундан фаолият кўрсатаётган хусусий корхонамизда мактаб ўқувчилари учун бежирим ўқув формалари тайёрланади. Фаолиятини йўлга қўйишда тадбиркорлар учун яратилган кредит маблағларидан унумли фойдаланди. Қолаверса, коллеж битирувчиларини ҳам ишга қабул қилиб, уларнинг бандлигини таъминлашга эришдик.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фаолиятимизни кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганимиз.

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун етарли ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратиш, соҳани ривожлантириш бўйича янги қадамлар ташланаётди. Бу фаолиятимизда ижобий ўзгаришлар ясаб, юртимиз тараққиётини янада юксалтиришига ишонамиз.



**Абдурахмон ЭРҒАШЕВ,** Зомин туман тиббиёт бирлашмаси қасаба уюшма қўмитаси раиси

— Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган куннинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимни миллионлаб юртдошларимиз сингари мен ҳам зўр эътибор ва қизиқиш билан томоша қилдим.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти таъкидлаганидек, «Асосий қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди... Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини қафолатлаб берди...»

Дарҳақиқат, жамиятимизда олиб борилаётган барча ислохотлар, аввало, инсон манфаати, унинг онласи ва фарзандлари учун, шу юртининг фаровонлиги ва тараққиёт ташкилот — қасаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор. Сўнгги йилларда қасаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланиб, тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бевосита ишчи-ҳодимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар унинг ижобий самарасини бераётди.

1742 нафар аъзони бирлаштирган 34 та цех ташкилотимизда қасаба уюшмалари аъзолари манфаати устуворлиги асосий мезон бўлаётгани қувонарли. Бундан бундан ҳам фаолиятимизни давр талабига ҳамохан тарзда ташкил этишда давом этишимиз.



## Тухфа

## Янги сузиш ҳавзаси

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг янги, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вожа етишини таъминлашга доимий эътибор қаратилаётгани, бу борада жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришга устувор аҳамият берилётгани таъкидланди.

Бектемир туманида қад ростлаган замонавий, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси шу ерда истиқомат қиладиган аҳоли, айниқса, болалар учун муносиб совға бўлди.

Замонавий иншоотда сузиш ҳавзаси, ювениш, кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Сувни тозалаш, иситиш тизимлари, хона ҳароратининг муътадиллигини сақлаш ускуналари борлиги иншоотнинг кўп йиллар давомида ёш авлодга хизмат қилишини таъминлайди.

Маҳалламизда сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилгани фарзандларимиз ва невараларимиз учун муносиб туҳфа бўлди, — дейди Назокат Турдиева. — Невараларим спорт билан мунтазам шуғулланади. Уларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб камол етишига доимий эътибор кўрсатилаётганидан миннатдоримиз.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ  
Муҳаммад АМИН олган суратлар.

## Ўшларга оид давлат сиёсати — амалда!

## Энг фаол тарғиботчилар

Саломатлик — бебаҳо бойлик. Унга эришмоқ учун ҳақиқат соғлом турмуш тарзига риоя қилиб яшаш зарур. Хар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» кўрик-танлови ёшларда ана шу кўникмани шакллантиришга хизмат қилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят кенгаши қошидаги «Камалок» болалар ўқув марказида танловнинг вилоят босқичи ўтказилди. Ёшлар ўртасида тиббий ва экологик маданиятни ошириш, юқумли касалликларнинг ол-

дини олиш, зарарли иллатларга қарши курашиш борасида тарғибот-ташвиқот тадбирларини олиб бориш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда кўплаб ёшлар иштирок этди.

— Тадбирда истеъдодли ўғил-қизлар

томонидан тарғиботнинг таъсирчан усуллари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди, — дейди «Камолот» ЕИҲ вилоят кенгашининг Саломатлик ва экология маркази координатори Ф.Йўлдошев. — Ўз навбатида, ижодий ишлар тенгдошларнинг ўзаро фикр алмашиши, соғлом рақобатга замин яратди. Ўтказилаётган танлов нафақат истеъдодларни аниқлаш, балки ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишида муҳим аҳамиятга эга.

Олтин номинатсия бўйича аниқланган ижодий ишлар ўзига хос мезонлар асосида баҳоланди. Ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланиб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

## Газетхон илҳами

## ГЎЗАЛЛИК

Гар юзда гўзаллик бўлмаса ҳам,  
Сумбатинг сарвлик қилмаса ҳам,  
Юзинг ҳа, деганда кулмаса ҳам,  
Дилингда, кўнглингда кўрк бўлсин.

Ҳақиқий чирой — бу чеҳрадамас,  
Хунуқлик юздаги доғда ҳаммас,  
Оламнинг чиройи теградамас,  
Сенинг юрагингда барқ урсин.

Ирода АМИРДИНОВА,  
Нурота туманидаги  
42-умумтаълим  
мактабининг 7-синф  
ўқувчиси

## Маънавият соати

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч туман кенгаши тасарруфидаги иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежида Маънавият соати ўтказилди.

## Келажакимиз пойдевори

Тадбирда коллежнинг миллий истиқлол ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Кувонч Қурбонова Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритди. Фаол ва жамоатчи ўқувчилар Қомусимизга оид фикрлари билан ўртоқлашди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова Конституциямиздаги касаба уюшмалари, таълим ва ёшларга оид моддаларга батафсил тўхталиб ўтди.

М.МАДАМИНОВА,  
Таълим, фан ва маданият ходимлари  
касаба уюшмаси Урганч туман кенгаши раиси

## Акс-садо

## Ёқилган хазон — келтирар зиён

Хазонрезги даврида айримлар тўқилган барглари тўплаб ёқиб юборишади. Жараёндан хосил бўлувчи тутун таркибидан кўп микдорда углерод оксиди ва бошқа захарли моддалар ажралиб чиқади. Бу моддалар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Одамда нафас йўллари, қон-томир хасталиклари пайдо бўлади, тўқималар фаолияти бузилади. Бундан ташқари, ошқозон-ичак ва аллергия хасталиклари ҳам кўпаяди. Усимликлар тирик организм бўлиб, улар чанг, автомобиллардан чиқётган зарарли газларни ўзига ютади. Хазон ёқилганда одам учун хавфли бўлган барча зарарли моддалар ҳаво орқали инсон организмига киради. Тутундан, айниқса, ёш болалар организми кўпроқ зарар кўради.

Соҳа ходимлари бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган қатор тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Лекин бунда барча юртдошларимиз фаол иштирок этиши, хазонлар ёқилишига қарши курашиши зарур. Уларни тўплаб, махсус чиқиндилорларга ташлашни барчага ўқитириш

лозим. Шу билан бирга, компостлаш йўли билан улардан маҳаллий ўғит олиниб, фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Аваллари ҳар бир ҳовлида хандақлар бўлган. Дарахтларнинг тўқилган барглари ва бошқа чиқиндилар шу ерда чиририлиб, кейинги йили томорқаларга минерал ўғит сифатида фойдаланилган.

Хазонларни ёқмасдан, аксинча, бир жойга тўплаб, ерга кўмиб ўғитга айлантирилса, айни муддао бўларди. Маҳаллалар қошида ташкил этилган Жамоатчилик назорати бўйича комиссия аъзоларидан бу борада керакли чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Комилжон ҚАРШИБОВЕВ,  
Жиззах вилоят Табиатни муҳофаза  
қилиш кўмитаси мутахассиси

## Касаба уюшма спорти

Конституциямиз қабул қилинганнинг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзаобод туман кенгаши соврини учун «Спорт — саломатлик гарови» шiori остида мактабгача таълим муассасалари ходимлари ўртасида спартакиада ўтказилди. Унда 14 та МТМдан 125 нафар ходим қатнашди.

Иштирокчилар волейбол ва шашка бўйича ўзаро баҳслашди. Якуний натижаларга кўра волейбол бўйича 14-, 8-, 5-МТМ жамоалари, шашка бўйича эса Саида Фозилова, Сарвиноз Соибназарова ва Шоира Шеркулова совринли ўринларни эгалладилар.

Ғолиблар туман кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Баҳодир АХРОРОВ,  
тармоқ  
ходимлари  
касаба уюшмаси  
Мирзаобод туман  
кенгаши раиси

Саломатлик спартакиадаси

## Диққат, танлов!

Ижтимоий реклама

## «Аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этувчи ННТ фаолиятини ёритган энг яхши ОАВ ва журналист» танлови тўғрисида

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларнинг фуқаролик жамиятини бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан аёллар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, кўмаклашиш, шунингдек, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ОАВ иштироки ва ролини ошириш, журналистларни рағбатлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсатини ёритишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда «Аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этувчи ННТ фаолиятини ёритган энг яхши ОАВ ва журналист» танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

— Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди ёки Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси номига танловда қатнашиш учун эркин хат;

— тахририятлар учун — ОАВларида (газета, журнал ва сайт (порталларида) 2016 йил давомида аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этувчи ННТ фаолиятини ёритган ижодий ишлар рўйхати матни ёки нусхаси (шу жумладан, электрон шаклда);

— журналистлар учун — ОАВларида (газета, журнал ва сайт (порталларида) 2016 йил давомида аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этувчи ННТ фаолиятини ёритган ижодий ишлар рўйхати матни ёки нусхаси (шу жумладан, электрон шаклда);

— аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этган ННТлар ижтимоий шериклиги намунасини ёритишга йўналтирилган мақоланинг газета, журнал, сайтда чоп этилганини тасдиқловчи босма, электрон нашрнинг маълумотномаси.

Мукофотлар:  
биринчи ўринга:

— «Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган» тахририятга — компьютер жамланмаси ва биринчи даражали диплом;

— «Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган» туркум мақолалар журналистига — компьютер жамланмаси ва биринчи даражали диплом.

Иккинчи ўринга:  
— «Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган» энг яхши тахририятга — планшет ҳамда иккинчи даражали диплом;

— «Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган» туркум мақолалар журналистига — планшет ҳамда иккинчи даражали диплом.

учинчи ўринга:

— «Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган» энг яхши тахририятга — фотоаппарат ҳамда учинчи даражали диплом;

— «Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган» туркум мақолалар журналистига — фотоаппарат ҳамда учинчи даражали диплом.

Танлов доирасида турли номинациялар бўйича совриндорлар аниқланиши ва мукофотланиши мумкин.

Бундан ташқари, танлов иштирокчи ва ғолибларига бошқа ҳимойларнинг мукофотлари ҳам топширилиши мумкин.

Ҳужжатлар ушбу эълон ОАВда эълон қилинган кундан бошлаб 2016 йил 23 декабр соат 17:00 гача қабул қилинади.

Танловда мамлакатимизда фаолият юритаётган босма ОАВ, журналистлар, ННТ вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан куйидаги манзилга қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 100049, Амир Темур шоҳқўчаси, 14-уй.

(Ёки uzntfond@mail.uz, uz.ntntma@mail.uz upzro1992@yandex.ru электрон почтасига).

Ҳужжатларни қабул қилишда почта штемпелидаги жўнатиш санаси ёки келтириб ўтилган электрон почта манзилига келиб тушган сана инобатга олинади. Ҳужжатлар тўғрисида тўғри топширилганда аризалар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди ёки Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Барча ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 келгдаси расмийлаштирилиши лозим. Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.nntfond.uz ва www.ngo.uz сайти ёки +99871 233-52-41; 233-35-26; 233-24-92 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Танлов ташкилий кўмитаси

## Диққат, танлов!

## «2016 йилнинг энг яхши ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаси» танлови тўғрисида

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларни фуқаролик жамиятини бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан солиқини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, жумладан, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ва шу каби ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалаларни ёритишга йўналтирилган лойиҳалар, давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги самарали ижтимоий шериклини аниқлаш, ННТларнинг бу борадаги фаолиятини рағбатлантириш ва оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда «2016 йилнинг энг яхши ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаси» танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

1. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди ёки Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси номига эркин шаклдаги хат.

2. Ташкилот аъло идораларида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

3. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аълолигини тасдиқловчи маълумотнома (ЎЗННТМага аъзо бўлган бўлса).

4. Ташкилотнинг ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга оид амалий таърифи (Амалга оширилган лойиҳа ва амалга оширилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон шаклдаги хусоботи).

5. Амалга оширилган лойиҳанинг ОАВда ёритилиши (Туман, вилоят, республика ва чет эл медиа воситаларида эълон қилинган мақолалар, телекўрсатувлар, веб-материаллар рўйхати ва нусхаси).

Тақдирлаш шакли:  
биринчи ўринга — компьютер комплекти;  
иккинчи ўринга — телевизор;  
учинчи ўринга — фотоаппарат.  
Шунингдек, турли йўналишлар бўйича рағбатлантирувчи дипломлар, сертификатлар ва қим-

матбаҳо мукофотлар топширилади.

Танловга ҳужжатлар 2016 йилнинг 23 декабрига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар конвертда (А4 форматда) ёки электрон почта орқали қабул қилинади, ҳужжатлар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди, куйидаги манзилга жўнатилиши лозим: Тошкент шаҳри, 100047, Амир Темур шоҳқўчаси, 14-уй ёки uzntfond@mail.uz, uz.ntntma@mail.uz upzro1992@yandex.ru электрон почтасига. Ҳужжатларни қабул қилишда муқаддас почта штемпелидаги жўнатиш санаси ёки электрон почтага келган санаси инобатга олинади. Тўғридан-тўғри топширилганда ҳужжатлар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди офисидан шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9:00 дан 17:00 гача қабул қилинади.

Барча ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 келгдаси расмийлаштирилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.nntfond.uz ва www.ngo.uz сайти ёки +99871 233-52-41; 233-35-26; 233-24-92 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Танлов ташкилий кўмитаси

## MUASSIS:



Ўзбекистон  
касаба  
уюшмалари  
Федерацияси

## Bosh muharrir:

Jahongir  
Sharofboyev

## Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liqin  
Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek  
Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan  
Bedilov, Asror Ishanxodiyev,  
Muhabbat O'rmonbekova,  
Oksana Belousova, Timur Mamajonov  
(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

## BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

## Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftanasiga seshanba,  
payshanba va shanba kunlari  
chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi  
shart. Mualliflar fikri tahrirovchi nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

## HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston  
Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 314-13-03  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

## Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov  
Navbatchi:  
N.Mahomov  
Musahhhib:  
S.Shodiyeva

## Sahifalovchi:

H.Abdujalilov

Bosilishga topshilish vaqti — 22:00  
Topshilishi — 22:20

1 2 4 5 6

## «Sherq» nashriyot-matba'a aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonamanzilli:

Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

## Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teritiladi va sahifalandi».

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma Γ — 1215.  
13560 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxrirovchi xisob raqami:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
ATIS «Molot» banki «Ishonch» filiali,  
bank kodi: 00959, STIP: 201133009, OKONX: 87100